ИҚРОР

# ЭРГАШ ҚАЛАМПИРФУРУШ ВА... АСҚАД МУХТОР ҲИКМАТИ

## Сўралган ва кечирилмаган кечирим

Бир чимдимгина ҳаётини нуқул можаролар қуюни, олишувлар уммони, тортишувлар гирдобида ўтказган университетдаги домламни кеча муюлишдаги бекатда кўриб, танимай қолдим. Ўзини қонунлар муаллимидек ҳис қилиб, ҳаёт муаммолари қаърига мудом понадек санчилавериб, турмушнинг у ёки бу жиҳатларини шахсий нуқтаи назари чопқиси билан каллаклайвериб, ўз донолигига бўлган маҳлиёлик касалликка айланган, дилозорлиги оламни тутган домла энди занг емириб ташлаган эски "вивеска"га ўхшаб қолган, унда нимадир ифодалангандай эди-ю, нималигини билиб, англаб бўлмасди. Жаҳолат, такаббурлик унинг қиёфасидаги жаъми маъноларни сидириб ташлаган, рўйи аҳволи хароб, қариб кетган эди.

Ўшанда: "Домланинг хулқи муҳокама бўлармиш, унинг устидан жуда кўп ўқитувчи ва талабалар юқорига шикоят хати ёзишибди", деган дув-дув гап тарқалди. Муҳокама ярим кунга чўзилди, йиғилиш аҳли бир овоздан домлани ҳайдаш масаласини илгари сурди. Бироқ ўртага раҳм-шафқат оралаб, "кечирим сўрасин, тавба қилсин" деган фикр қўзғалди...

Йўқ, кечирим сўралмади. Жоҳилликдан вужуди қақшаб, дийдаси қотиб кетган шўрлик домла қони қочган захил юзини одамлардан четга буриб, ўкрайганича тураверди...

Шарафиддин Али Яздийнинг ёзишича, 1405 йил январида Амир Темур Хитойга юриш бошлаган вақтда, узоқ муддат Дашти Қипчоқда саргардон бўлиб юрган Тўхтамишхондан элчи келди. У келтирган мактубда нонкўрлик қилгани учун Тўхтамиш Темур ҳазратларидан кечирим сўраган эди. Соҳибқирон элчининг ҳурматини жойига қўйиб, Тўхтамишхоннинг гуноҳидан ўтди. Жон омон қолди — жонлар омон қолди. Шу ва шу каби ҳодисалар сўнгроқ Ҳазрат Темур китобида ўз ифодасини топди: "... ҳар қандай одам менинг адолат девонимдан паноҳ топган экан, гуноҳи бўлса ҳам, уни кечирсинлар. Иккинчи, учинчи марта яна гуноҳ қилгудек бўлса, у ҳолда гуноҳига яраша жазолансинлар. Агар душманинг бош уриб паноҳингга келса, раҳм қилиб, яхшилик ва мурувват кўрсатгил".

Айтишларича, Рум мамлакати ҳоқони Боязид Йилдирим турли гуноҳлари учун Соҳибқирон Амир Темур томонидан уч марта кечирилди. Жон омон қолди — жонлар омон қолди...

Бир гал Олтиариқ туман суди раиси вазифасини бажарувчи биродаримизнинг эр-хотинларнинг қўйди-чиқдилари юзасидан матбуот учун тайёрлаган ҳисоботини ўқиб қолдим. Унда қўйди-чиқдилар борасидаги фоизни камайтириш йўлида ҳамма чора-тадбирлар ишга солинганлиги, ажралиш истагида ариза берган эр-хотинларни муросага келтириш учун тинимсиз ишланганлиги (!) баён қилинади. Ярим йилда ажралиш хусусида берилган 150 та аризанинг 80 дан ортиғи ижобий ҳал қилинганлиги мамнуният билан таъкидланади.

Ҳисоботнинг жозибадорлигини таъминлашга берилиб кетган суд ходимлари ажралиш фикридаги эр-хотинларни ёппасига бир чеккадан ярашишга даъват қилади. Ҳар бир суд мажлиси "бир-бирингиздан кечирим сўранглар" деган талаб билан бошланиб, шу талаб билан тугайди. Дарҳақиқат, бу ҳам бир чора, зеро, кечира билиш туйғусининг ўзи жуда кўп оилавий можароларга барҳам бериши мумкин.

Машъум 16 февраль фожиаларидан сўнг қорин тўйдириш илинжида юртни вайронага айлантирмоқчи бўлган ўша ислиқи жангнинг аскарларидан бири ўз қилмишлари учун телеэкран орқали халқдан узр сўради. Прокурор бу узрнинг моҳиятини жуда аниқ тушунтирди:

" — Бу — жазо олдидаги иложсизлик кечирими..."

Кечирим, тавба, узр — инсоннинг ор-номуси, мардлиги, ҳаётпарварлиги, маърифатли ва имонлилигига тааллуқли туйғу, менимча. Бу туйғунинг қанчалар бутун, қанчалар улуғвор экани, эҳтимол, шахснинг бутунлигига дахлдордир. Чала, етилмаган, жоҳил, худбин, шафқатсиз одамнинг қилган гуноҳи учун бировдан астойдил кечирим сўраши ёки ундан сўралган кечиримга муносабатини тасаввур қилиш қанчалик қийин, азоб бўлганидек, бундай одамнинг табиатида агар кечиримлилик хусусияти йўқ бўлса, бунинг турган-битгани даҳшатли фожиадир.

Ҳаётимиз аста-секин "собиқ"лардан, "собиқона" юргизилган сиёсатлардан тозаланиб бораётгани, яхши ниятлар йўлида рўшноликка интилаётганимиз, якдилликка, жипсликка талпинаётганимиз аён. Бироқ замонамизнинг сезгир қалб, ўткир ақл эгаларини чалғитиб яна худбинлик, ҳайбаракаллачилик, кўзбўямачилик, иккиюзламачилик, талон-тарож, ёлғончилик, маҳаллийчилик ва тўдабозлик қилаётган тавбаси ёлғон лўттибозларнинг издошларини кўриб, хавотирга тушасан киши. Президент Ислом Каримовнинг Ватан ва халқ манфаатлари, маънавият ва маърифат бирламчи экани хусусидаги теран даъватларининг аҳамияти, моҳиятини пайқай олмаётган, тушунмаётган шахслар орасида баъзан раҳбарлар учраши янаям аянчли.

Гулжамол исмли бир қизнинг ажойиб тўртликларини ўқиб суюндим. Шоирани телефон орқали қидириб топиб, яна бошқа шеърларини ҳам ўқиш ниятим борлигини айтдим. У хурсанд бўлиб, шеърларини олиб келди, ёнида бир дугонаси ҳам бор. Гулжамол яна анчагина гўзал шеърлар ўқиди. Ўзини Санобар деб таништирган унинг ёнидаги дугонаси ҳам тўлқинланиб кетди, шекилли, мен ҳам шеъримни ўқисам майлими, деди. Майли, дейишим биланоқ бир шеър бошлади:

Ошиқлари қўрқоқ замон,
Қасамлари ёлғон замон,
Тавбалари чатоқ замон,
Изҳорлари гумон замон.
?!..

20 ёшнинг нари-берисидаги титрабгина турган шу қизалоқнинг бунчалар изтиробга берилиши, бунчалар катта дарднинг тагида типирчилаши мени сесқантириб юборди.

— Нега бунақа шеър ёздингиз? — сўрайман ундан.

— Э-э, ҳаётдаги бор гаплар-да, ака. Бировни яхши кўриш учун аввал обдон ўйлаш, фойда-зиёнини чамалаш керак. Қасам деганлари ҳам кўплар учун зиён кўрса ичилмайдиган, фойдаси сезилса, сипқориладиган бир нарса. Тавба билан кечирим сўраш — қочиб қутулиш чораси, қочиб қутулдингми, у ёғи бир гап бўлар...

Санобарнинг фикрларидан кун бўйи миямни биров пармалагандек кечқурун афтодаҳол бир аҳволда уйга қайтаман. Уйимга ўн-ўн беш қадамлар қолганда дарахтлар соясидаги ўриндиқ томондан шанғиллаган, таниш товуш эшитилади:

— Энди ичмайман, кечиринглар, бузган, синдирган нарсаларнинг ҳаммасини бутлайман. Энди ичсам, онам хотиним бўлсин, — дейди тутқаноқ касалидан тез-тез безовта бўлиб турадиган қўшни подъездлик бўёқчи йигит маҳалла фаоллари ва ёш лейтенант нозир олдида. Фаоллар ҳам, мелиса ҳам бўёқчининг лафзига ишониб, тарқалишади.

Орадан уч кун ўтиб бўёқчи йигит хотинининг калласига гултувак билан уриб, ҳушсиз қилади...

Ажаб дунё. Ҳаёт гуноҳ ва тавбаларга бунчалар тўлиб кетмаса, дейсиз, ногоҳ. Ана шундай кўнгилсиз хаёлга берилиб турганингизда ёнингизда кимдир: "Гуноҳ қилмай ё қонунни бузмай яшаш яхши-ю, фойдаси кам-да", — дейди хўрсиниб.

Улуғбек РАҲИМОВ,
журналист

— Наҳот шундай бўлса?! — дейсиз унинг гапига жавобан норизонамо, оғриниб.

У фикрига қўшилмаганингиздан жиғибийрон бўлиб, ўзининг ҳақлигини исботлаш учун ўнлаб мисолларни қаторлаштириб ташлайди:

— Телевизорда кўрдим, сариосиёлик Манзура деган аёл 4,5 кило героинни Тожикистондан олиб келаётганда ушланибди. "Нима қилмоқчисиз буни?" — деб таможня сўраса: "Сотиб, камкўстимизни бутламоқчимиз", дейди. "Ахир сиз одамларни ҳалокатга тортяпсиз-ку, жиноятга қўл уряпсиз, бунинг устига жуда катта гуноҳга ботяпсиз-ку", — деса, аёл: "Нимаси гуноҳ, гуноҳ қоптими?" дейди.

Афсус, инсонгагина хос бўлган гўзал маънавиятни асраб қолиш муаммо тусини олган бугунги кунда гуноҳ ва хато юқумли хасталик каби инсон феълига тинимсиз таҳдид соларкан, кечиримнинг, тавбанинг аҳамияти ҳам аянчли кўринади. Шу пайт ғўр болалигимизни ҳикмат ва ўгитлар билан безаган девор қўшнимиз, раҳматли Эргаш қалампирфурушнинг "илгари ҳамма нарса содда эди, одамлар ҳам, гуноҳлар ҳам" деган гапи ёдга келади.

Қалампирфуруш айтган бу аччиқ ҳикматдан узоқ ўйга толасан киши. Одам боласи ўзининг шу кичкинагина жуссасига жуда кўп гуноҳларни ўйламай юклаётганидан хавотирга тушасан.

Ана шундай фикрлар, изтироблар исканжасида ҳазрат Асқад Мухторнинг столим тўридаги "Уйқу қочганда" китобини варақлайман. "Инсон — табиат боласи, боланинг гуноҳидан кечиш мумкин".

Нақадар гўзал фикр!

Гуноҳингдан кечишга муносиб бўл, эй онгли вужуд!

ЖИНОЯТ

# ЁВУЗЛИК

## Ёки икки яшар гўдакни печка устида куйдирган "ота"

"Бир бор экан, бир йўқ экан..." деб бошланувчи эртакларда ҳам онанинг ўгай болаларига бераҳм ва ёвузлиги ҳикоя қилинади. Бизни қалам олишга мажбур қилган ҳодиса эса эртак эмас, ҳақиқат! У Фарғона вилоятининг Учкўприк туманида содир бўлган...

Ҳидоятхон билан Султонали ўтган йилнинг ноябрь ойида қонуний никоҳсиз турмуш қуришганда ота-она, қариндош-уруғларнинг кўнгли бир қадар тинди. Икки ёрти бир бутун бўлиб, уч етимнинг бошини силашса кам бўлишмас?! Ахир Султоналининг раҳматли хотинидан қолган икки боласи она меҳрига, Ҳидоятхоннинг биринчи рўзғоридан орттирган ўғил ота меҳрига зор эди. Банданинг айтгани доим ҳам бўлавермас экан...

Ҳидоятхон эрида эндигина иккинчи ёшни қоралаётган ўғли Азизжонга нисбатан ўгайлик ўти борлигини тезда пайқади... Бироқ, ҳозирги турмуши — иккинчи рўзғор, ажрашай деса — ҳар хил майда гаплар аввало ўзига келади. Илож қанча?! Чидаш керак, ажабмаски, эрига инсоф бериб йўқолган бахтини шу оиладан топса...

Йўқ, аҳвол у ўйлаганча бўлмади. Бир куни у эрининг бақир-чақиридан қўрқиб безиллаб кетган боласини бағрига босаркан, кўзига тик қаради:

Нега сўкасиз болани, гуноҳи нима?!

Хотинининг саркашлигидан баттар асабийлашган Султонали ҳақиқий жазолаш қанақалигини кўрсатиб қўймоқчи бўлдими, боланинг оёқ-қўлидан қаттиқ силтаб тортди! Гўдак биғиллаганича ҳушидан кетди.

Султонали Азизжоннинг шишиб кетган ва бўғимидан чиққан иккала қўли, чап оёғини силаб, йиғлаб ўтирган хотинига дағдаға қилди:

— Ҳеч нарса бўлгани йўқ, ёғ суркаб, боғлаб қўй, дўхтирга олиб боришни хаёлингга ҳам келтирма, бировга айтсанг...

Азизжон соғайиб кетмади, чап оёғини яхши босолмайдиган бўлиб қолди. Бундан хабар топган Ҳидоятнинг отаси Аминжон ака неварасини олиб кетиб синиқчига, дўхтирларга қаратди.

Бола тузалиб қолган кунларнинг бирида Султонали минг тавалло билан хотинини яна уйига олиб келди. Бир ёғи қишлоқчилик, бир ёғи иккинчи эрдан ҳам чиқибди, деган ор-номус, андиша Ҳидоятхонни яна эриникига келишга мажбур қилди.

Шу йил 24 февраль туни. Изғирин. Кечқурун уйига маст келган Султонали Азизжоннинг палос устига "ёзилиб" қўйганини кўриб, ғазаб отига минди. Жаҳл билан боланинг устидан сув сепиб юборди. Бола қўрқиб чинқирди. Ўгай отадан қўрқиб, ғужанак бўлиб олган гўдак унинг кўзига баттар хунук кўринди чоғи, бурчакда турган икки пақир совуқ сувни яна сепиб юборди.

Ҳидоят дод солиб боланинг шалаббо бўлган кўйлаклари, иштончасини ечди. Ҳам қўрқувдан, ҳам совуқдан дир-дир қалтираётган, нимжонгина ўғлини яланғоч қолдириб, қуруқ уст-бошларини олиб чиққани бошқа хонага шошди. Ўгай ота ҳалиям телба ғазабидан тушмаган эди. У гўдакка дастурхондаги бир бурда нонни катта-катта тишлатиб, оғзига тиқиб ейишга мажбур қилди. Бу ҳам кор қилмай, энди у болани даст кўтариб, "буни иситиш керак!" дея норасидани бозиллаган газ печкаси устига ўтирғизди! Кейин тик турғизди, бунга ҳам қаноатланмай газнинг ҳимоя қопқоғини очиб юборди! Аланга гуриллаб боланинг қорни, думбаси, қулоғи, бошигача етди. Уй дод-вой, чинқириққа тўлди...

Бутун бадани ҳилвираб кетган бечора гўдак туни билан оғриқдан йиғлаб, инграб, алаҳсираб чиқди. Саҳарлаб дўхтирга олиб бораман, деган илинжда тонг оттирган Ҳидоятнинг умиди пучга чиқди. Жоҳил ота уч кунгача она-болани остона ҳатлашига изн бермай, уйда қамаб ўтирди.

Тўртинчи куни эри ишга жўнаши биланоқ, Ҳидоят болани чойшабга ўраб, кўчага чопди... Азизжон ўша куниёқ касалхонага ётқизилди. Суд-тиббий экспертизасининг хулосаларига кўра, ўгай отанинг ёвузлиги оқибатида ҳали 2 ёшга ҳам тўлмаган норасиданинг қорни, кўкрак қафаси, ўнг ёнбоши, думбаси, иккала оёғи панжаларининг остки қисмлари, лаблари куйиши натижасида оғир тан жароҳати олганлиги тасдиқланди.

Тергов жараёнида С.Тўраев айбини тан олмай, гўё Азизжонни иситиш учун "даҳлиздаги газ печка устидаги темир бўлмаган, шувоқ қилиб қўйилган қирғоғига тик қилиб қўйганлиги, кейин сигаретасини ташлагани эшикка чиққан пайтда Азизжон печка билан девор орасига (!) йиқилиб кетганини" важ қилади. Гўдакни қайноқ печка устига қўйиб, сигарета чеккани ташқарига чиққан... отани нима дейиш мумкин?!

Ёвуз ўгай ота қилмишига яраша жазосини олди...

Ваҳшийликнинг негизи қаерда? Гўдакка зулм — Аллоҳга хиёнатдир, демаганмиди машойихлар?! Миттигина гўдакнинг тан яралари битар, лекин унинг юрагидаги умид, яхшилик, ишонч, шодлик ғунчалари ўгай отанинг ёвузлиги қурбони бўлмаслигига ким ишонади?!

М.ХЎЖАЕВ,
Фарғона вилоят прокуратураси бўлим прокурори, 1-даражали ҳуқуқшунос
Феруза СИДДИҚОВА,
"Адолат йўли" мухбири

МУНОСАБАТ

# ҲАММА ЖИМ ТУРГАН ЭМАС

**А.Назар. "Собиқ фаолият"дан қачон қутуламиз?" (2000 йил, 31-сон)**

Адашмасам, юқоридаги сарлавҳали мақола муаллифи Ўзбекистон радиосининг ижтимоий-сиёсий эшиттиришлар бош муҳарририятида ишласалар керак. Янаям аниқроқ айтадиган бўлсам, ҳамкасбимиз ҳаво мавжлари орқали марказий газеталар шарҳи билан шуғулланади. Шу маънода касбий газетамиз саҳифаларида чоп этилган ушбу мақолада оммавий ахборот воситаларига нисбатан эътирозларни ўқиганимда: "Ҳа, кундалик нашрларни шарҳлаб бораётган журналист масалани шундай қўйишга маънавий ҳаққи бор", деган фикрга бордим. Тўғри, биз мансуб бўлган оммавий ахборот воситалари ҳамиша ҳам халқнинг дилидаги гапларни ўз вақтида ифода этолмаяпти. Қолаверса, бир ҳамкасб сифатида муаллифнинг ўз фаолиятига танқидий баҳо бергани мени қувонтирди.

Лекин мақоладаги қуйидаги гаплардан жуда таъсирландим: "Ахир, вилоятда сўнгги йилларда халқ хўжалигининг барча соҳаларида қолоқлик, орқага кетиш ҳолатлари кўзга ташланаётган экан, қайси газета саҳифасида бу жараён етарлича таҳлил қилиб берилди?" Худди шу савол мени ушбу жавобни ёзишга даъват этди.

Аввалдан айтиб қўяй: мен қўйилган масала юзасидан бир нарсани қойил қилдик, деган фикрдан йироқман. Лекин ушбу жавоб орқали ҳақ сўзнинг, адолатли фикрнинг йўли у қадар текис бўлмаслигини таъкидламоқчи эдим.

Яхшиси, бир бошидан гапириб берай. Шу йил февраль ойининг ўрталарида "Халқ сўзи" газетаси таҳририятига Қашқадарёдан кўп йиллик тажрибага эга журналист Қурбон Эгамбердиев ташриф буюрди. Ҳамкасбимнинг юз-кўзларида ташвиш, безовталик сезилиб турарди. У бошини сарак-сарак қилиб, нуқул: "Афсус, Қашқадарёнинг аввалги салоҳияти, файзи қолмади, халқ бошқа йўлда, раҳбарлар бошқа йўлда туришибди", дерди. Биз нима дердик? "Шунчалик экан, ёзинг, газета орқали бонг урайлик", дедик. Шу гапимизни кутиб турган эканми, "Мана, ҳаммасини қоралаб қўйганман, маъқул бўлса чиқарарсизлар", дея ёзилган мақолани тутқазди. Сарлавҳаси эътиборимизни тортди: "Дастурхонга қаранг, гўшт совимасин..." Қашқадарёда чорвачиликнинг аянчли аҳволга тушиб қолганлиги ҳақида ёзилган мақолада муаллифнинг жон куйдириб айтган сўзлари шундоқ сезилиб турарди. Очиқ, аммо аччиқ гаплар. Қалб ҳайқириғи дейиш мумкин.

Муаллиф ўзи меҳр қўйган юрт ҳақида ёзади: "Эли доимо бедор, белида белбоғи маҳкам, виждони пок, диёнатли. Аммо вилоят деҳқонларининг меҳнат натижалари кутилганидек бўлмаяпти. Негаки, меҳнатга лойиқ натижани олдиндан аниқ кўрадиган, қадрига етадиган иқтидорли, яъни "Минг ишчига бир бошчилар" етишмайди". Шу тарзда қишлоқ хўжалиги соҳасида бутун вилоят бўйича қолоқликка юз тутилаётганлиги рақамлар ёрдамида очиб берилади. Пировардида журналист масалани шундай қўяди: "Бугунги раҳбарларнинг беларволиги, нописандлиги, қолаверса, ношудлиги жамият учун ҳам, ўзлари учун ҳам қимматга тушишини билармикинлар?"

Биз мақолани қизиқиб ўқиб чиқдик. Ички сезгимиз, "Бу одам фақат Қашқадарё манфаатини кўзлаб, раҳбарларнинг ношудлигидан норози бўлиб шу мақолани ёзган", деган хулосани айтиб турарди. "Халқ сўзи"нинг 24 февраль сонида "Дўст ачитиб гапирар..." деган рукнимиз илк бор шу мақола билан бошланди.

Табиийки, таҳририятни ҳам, жамоатчиликни ҳам вилоят раҳбарларининг мақолага муносабати қизиқтирарди. Албатта, мақола ҳоким ва унинг атрофидагилар томонидан қизиқиш билан ўқиб чиқилди. Улар ўзларига: "Ҳақиқатан ҳам, нега вилоятимизда ислоҳотлар юришмаяпти, раҳбарликнинг қайси жойларида хатога йўл қўйяпмиз?" деб савол бериш ўрнига: "Қурбон Эгамбердиевнинг нимаси кам экан, аниқланглар-чи, мақолага далил ва рақамларни кимдан олган бўлиши мумкин?" деган масаланинг устида бош қотиришди. Бундай ҳолатда вилоят ҳокимининг атрофидагилар "Парво қилманг, юқоридан индашмаса, ўтиб кетади", дейишларини тахмин қилиш қийин эмас. "Лекин сўраб қолишса, нима деймиз?" — Бу савол кўпчиликни бирдай ўйлантириб қўйди. Таҳририятга жавоб ёзмаса бўлмайди. Шу тариқа ҳокимнинг имзоси билан "қулинг ўргилсин" жавоб битилди. "Мақолада баён этилган танқидий фикрларни ўрганиш жараёнида муаллифнинг вилоятда чорвачиликнинг ҳозирги аҳволидан, бу соҳани ҳар томонлама ривожлантириш борасида вилоят ҳокимлиги томонидан амалга оширилаётган ташкилий чора-тадбирлардан хабардор эмаслиги маълум бўлди", деб бошланган жавобда кейинчалик 1999 йил натижалари негадир 1998 йил билан эмас, 1997 йил билан таққосланади ва "юксалиш рақамлари" воситасида танқид асоссизлиги "исботланади".

Жавобда муаллиф нохолисликда айбланади ва Қашқадарё чорва маҳсулотлари етиштириш борасида мамлакатда иккинчи ўринни, қорамол, қўй ва эчкилар бош сонининг кўпайиши бўйича бешинчи ўринни эгаллаши писанда қилинади. "Биз холис, тўғри танқидга қарши эмасмиз, — дейилади жавобда. — Лекин бу мақолага ана шундай мезон асос бўлмаган. Бундай чиқишлар умумий ишга фақат зарар келтириши мумкин, холос". Кўрдингизми, танқидий мақолани чоп этиш орқали қанчалик зарар келтирибмиз!

Шу тариқа ҳокимликнинг масъул ходимига масъул топшириқ берилди: "Шу жавобни ўз қўлинг билан таҳририятга етказиб, газетанинг навбатдаги сонида чиқариб қайтасан".

Таҳририятдаги музокара осон кечмади. "Майли, ҳокимнинг жавобини чоп этамиз, фақат унинг ёнида таҳририят нуқтаи назарини ҳам берамиз". "Унда нима дейилади?" "Газетадан махсус одам бориб ҳақиқий аҳволни ўрганади, шу асосда фикр билдирилади". Масъул ходим ўйланиб қолди. Ўзи келтирган жавобни қўлига ушлаб: "Раҳбарларимиз билан маслаҳатлашиб олай", деганча... ғойиб бўлди. Ажабо, бу қанақаси, ҳоким таҳририятга расмий жавоб йўлласа-ю, вазиятга қараб "сўздан қайтса?"

Йўқ, бу жавоб йўқолиб кетмади. Орадан бир неча кун ўтгач, почта орқали таҳририятга қайтиб келди. Ўша жавобу имзо бошқа: бу сафар ҳокимнинг қишлоқ хўжалиги масалалари билан шуғулланувчи биринчи ўринбосари қўл қўйганди. Рост-да, дуч келган нарсага катта ҳокимни рўбарў қилиш шартми, келган "бало-қазо" биринчи ўринбосарга урар. Таҳририят ўз сўзида турди. Ҳақиқий аҳволни ўрганиш учун ахборот бўлими муҳарририни вилоятга юборди. Қаршида шундай гап тарқатилди: таҳририят ўз хатосини тўғрилаш учун, биздан кечирим сўраш учун одам юборди. Вакил вилоятда чорвачилик танқидий мақолада ёзилганидан ҳам аянчли эканлигига ишонч ҳосил қилди. 1999 йил натижалари 1998 йил билан солиштирилса, барча бандларда пасайиш, манфий ишора. Демак, "вилоятда кейинги икки йилда ижобий томонга силжиш кўзга ташланади", деган гап нотўғри. Қизиғи шундаки, вилоят катталаридан бирортаси Қаршида истиқомат қилаётган муаллиф билан фикрлашишни ўзларига эп кўрмабдилар.

Тошкентга қайтгач, ўз таассуротларини таҳрир ҳайъатига гапириб берди. Шундай қилиб, ҳокимликнинг жавоби ва унинг ёнидан таҳририятнинг муросасиз нуқтаи назари 17 май сонида эълон қилинди.

Лекин бу чиқишга ҳокимлик жавоб бермай қўя қолди. Ҳисоб 1:1 бўлди, деган хаёлга боришди, шекилли. Аммо, муҳими бу эмас. Газетанинг иккала чиқиши ҳам вилоятда катта қизиқиш уйғотди, яъни жамоатчилик фикри яратилди. Раҳбарлар ҳар қанча кўзни шамғалат қилишмасин, ойни этак билан ёпиб бўлмаслигига одамлар ишонишди. Рост сўз ҳамиша ўз қадрини топишига, ҳақиқатнинг поймол бўлмаслигига ишонишди. Шундай бўлиши табиий эди, албатта. Президентимиз қаерда адолатсизлик, кўпнинг ташвишидан қочиш ҳолатлари рўй берса, дарҳол хулоса қиладилар. Бу сабоқ ўзини "Раҳбарман", деб ҳисоблаган ҳар бир шахсни ҳушёрликка чорлаши керак. Демократик тамойиллар кенг қулоч ёзиб бораётган жамиятимизда оммавий ахборот воситалари ҳам ўз ўрнини топишига ишончимиз комил.

Шуҳрат ЖАББОРОВ,
"Халқ сўзи" газетаси бош муҳаррир ўринбосари

Ҳ.СОДИҚОВ чизган




ЖАВОБ

# ТЕЛЕМАЧТА ҚУРИЛАЯПТИ...

"Ҳуррият" газетасининг 2000 йил 26 июль, 30-сонида Қашқадарё вилояти Усмон Юсупов туманида истиқомат қилувчи Ҳамид Пиримқулов қаламига мансуб "Кўрсатувлар чайқалмаса" номли истак-мақола эълон қилинган.

Мақолада келтирилган фактлар қисман Республика радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение ишлаб чиқариш бирлашмасига ҳам тааллуқли бўлиб, бу масала ўрганиб чиқилди.

Қашқадарё вилоятининг Усмон Юсупов тумани аҳолиси Одамтош РТСдан 120 км масофада жойлашган, шунинг учун қабул қилинган телевизион сигналнинг сифати ва даражаси етарли эмас. Бундан ташқари, йилнинг шу мавсумида тропосфера қатламининг ҳолати туфайли Араб Амирликлари томонидан шу частоталарга монанд вақтинчалик шовқин сигналлари ҳосил бўлади. Бу сигналлар Сурхондарё, Қашқадарё зоналарида сезиларли даражага эга.

Бугунги кунда Усмон Юсупов, Баҳористон ва Касби туманларида телевизион кўрсатувларни яхшилаш мақсадида Муборак шаҳрида баландлиги 120 м бўлган телевизион мачта қуриш ишлари олиб бориляпти. Бу телемачта ишга туширилганидан кейин юқорида қайд этилган ҳудудда телевизион кўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар талаб даражасига етади.

М.Б.АТАМУҲАМЕДОВ,
Республика радиоэшиттириш, радиоалоқа ва телевидение ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлиғи

ДИЛ ИЗҲОРИ

# АЪЛО ДЎСТИМ ҲАҚИДА

## Ҳаммадек бўлишни истамайдиган муҳаррир

Худога шукр, муҳаррирлар орасида дўстларим кўп. Ҳар бирининг ўзига яраша феъл-атвори, дунёқараши, шу ҳаётда эгаллаган ўрни бор, салмоғи бор. Шулар орасидан бирини танлаб, мавриди келгани учун кўнглимдагини айтсам, мени айбситмаслар деган ўйдаман.

Қизиқ, қачон қарасангиз, худди ёш йигитлардек илдам юради, қаёққадир шошиб турган бўлади. Хонасида ҳам баъзи амалдорларга ўхшаб яйраб ўтирмайди, ҳали у бўлимга киради, ҳали бунисига, кечаги топшириқ қандай бажарилаётганлиги билан қизиқади, ходимнинг кўнглини кўтарувчи икки оғиз сўз айтгач, янги муаммони қўяди, бу ҳақда ўйлаб кўринг, сўнг фикрингизни айтарсиз, дейди. У "фикрингизни айтарсиз" деган сўзларга алоҳида урғу беради. Зеро, табиатан халқчил бўлган дўстим ўзгалар мулоҳазасини қадрлайди, айниқса фикр уйғотадиган гап айтилса яйраб, яшнаб кетади. Бир вақт қарасангиз, оққа кўчирувчи аёлга мақоласини айтиб турган бўлади.

У ҳар нарсага чидайди, илло, адолатсизликка дуч келса ўзини йўқотар даражада таъсирланади. "Қандай қилиб, нега, нима сабабдан" деган саволлар гирдобида қолади. Ҳалолликни ёқтиради, ғирромга тоқати йўқ.

Бошқалар бўлаверади, деса ҳам ҳамма вақт виждони буюрган ишни қилади. Муҳаррир сифатида кенг маълумот ҳам, воқеа-ҳодисаларнинг боришини чуқур мушоҳада қилиш ҳам, улар орасидан ҳозирги кунда, шу бугун энг муҳимларини танлаб ола билиш хислати ҳам бор унда. Қаламкаш сифатида, бош муҳаррир сифатида мен айрича ардоқлайдиган хусусияти — мардлиги, жасорати, керак бўлганда зарур гапни айтишда иккиланмаслиги, чўчимаслиги. Буни қарангки, унда ҳамиша айтадиган гап бор. Ҳаётга фаол аралашади, оқим билан кетавермайди, виждони буюрса, баъзан оқимга ҳам қарши боришдан чўчимайди, масъулиятдан қочмайди, энг долзарб, чирсиллаб турган мавзуларда мақолалар битади, уларда кишиларни ўйлантираётган, улар дилидаги, тили учидаги гапларни айтади, ўзини панага олмайди, нуқсонларга нисбатан доимо ҳужумкор кайфиятда.



Яқинда газетанинг раҳбари сифатида нашрнинг истиқболи, муаммолари ҳақида маслаҳат олгани бир раҳбарга телефон қилди. Билмадим, ўша мансабдор чап ёнбоши билан турган эканми, ҳар ҳолда, салом-аликни ҳам совуққина қабул қилди. Мулоҳазаларни эшитгач, нега менга бу гапларни айтяпсиз, ким бўлибсиз ўзи, сизларнинг ўз муассисларингиз бор, ўшалар билан ҳал қилаверинглар масалангизни, деган жавобни эшитди. Минг-минглаб ўқувчиси бўлган нашрнинг муаммолари уни қизиқтирмади. Муҳаррир ғалати ҳолатда қолганди.

— Ўша куни ишлай олмадим, — дейди у, — бизнинг муаммо ҳал бўлмагани учунгина эмас, йўқ, асло бунинг учун эмас, анча юқори мавқега эга бўлган бу мансабдорнинг ўзини тутишини ҳазм қила олмадим. Ўтиргани жой тополмасдим. Агар у журналист, газетанинг бош муҳаррири билан шу алфозда гаплашса, ўз ходимлари билан, у ёки бу масалада мурожаат билан келадиган оддий кишилар билан қай йўсинда сўзлашар экан, деган хаёл тинчлик бермасди менга. Бўлмади, юрагимдаги борини навбатдаги мақолага тўкиб солдим. Ахир умумишимизга халақит бераётган барча ҳолатларни кенг ёритиб бориш талаб қилиняпти биздан.

Дўстим ўз касби бўйича ҳам, шу юртнинг бир оддий фуқароси сифатида ҳам етилган муаммоларни ҳал этишга, камчилик ва нуқсонларни тугатишга жамоатчилик эътиборини қаратиш — журналистнинг энг муҳим вазифаси деб билади. Шу йўлда, шу мақсадда куйиб-ёниб яшамоқда, меҳнат қилмоқда.

Бир ўқувчи сифатида унинг газетасидаги "Муҳаррир минбари", "Муҳаррир сўзи" рукнлари остида берилаётган мақолаларни деярли мунтазам катта қизиқиш билан танишиб бораман. Уларда ҳодисаларнинг бориши шунчаки қайд қилиниб қолинмайди, балки шу ҳодисаларга нисбатан муаллифнинг тутган йўли, муносабати, ўй-хаёллари, интилиши, мақсад-ниятлари бутун бўй-басти ила кўзга яққол ташланиб туради. Муаммолар ярим-ёрти қилиб, силаб-сийпаб эмас, балки бутун борлиғи билан очиқ айтилади, тош босувчи таклиф ва мулоҳазалар илгари сурилади. Бундай мақолалар ўқувчини ўйлантиради, қандайдир куч беради, фикр уйғотади, ишонч пайдо қилади.

Шунча сўзлардан кейин гап ким ҳақида кетяпти, деб сўрарсиз. Айтаман, айтганда ҳам бор овозим ила, катта ифтихор ила айтаман: бу — "Ташкентская правда" газетасининг бош муҳаррири Аълохон Хўжаевдир. Менинг дўстим ана шундай журналист. Ҳамкасбларим орасида шундай қаламкаш борлигидан фахрланаман. Баъзан ўйланиб қоламан, қани энди у каби куйди-пишдилар кўпроқ бўлса, тўралашиб кетган мансабдорларга тинчлик беришмаса, деб. Шундай бўлса нуқсонларимиз камаярди, ҳаётимиз янада жозибали бўларди.

Ўзгаларнинг кўнглига келмасин-у, Аълохон ўз касбдошларидан бир-икки қадам олдинда бораётганга ўхшайди, менинг наздимда. Бугунги кун билан эмас, балки эртанги кун билан яшаб, ижод этаётгандек туюлади менга.

Кейинги йилларда Аълохон бир қатор чет эл мамлакатларида бўлди. Ўша ерда кўрган-билганлари ҳақида газетхонларга сўзлаб берди. Шу хилдаги очерклари, чамамда, икки жиҳатдан ажралиб туради. Биринчидан, муаллифнинг жаҳон маданияти тарихидан, дунё адабиёти тарихидан шунчаки эмас, балки чуқур ва ҳар тарафлама хабардор эканлиги шундоққина сезилиб туради. Иккинчи, менга маъқул тушган жиҳати шундаки, у кўрганларини, дуч келган воқеаларни шунчаки бетараф киши сифатида ҳикоя қилмайди, ўша ҳодисаларга аралашиб кетади, биздаги шу каби ҳолатлар билан чоғиштиради, ҳаёт учун фойдали томонларини алоҳида таъкидлаб ўтади.

Яна шуниси борки, Аълохон етук журналист, публицистгина эмас, балки айни пайтда шоир ҳамдир. Қалбининг нозиклиги, эҳтимол, шундан бўлса ажаб эмас. Мен уни энг сермаҳсул ижодкорлардан бири деб ҳисоблайман. Аслида бош муҳаррирлар унчалик кўп ёзишмайди. Менинг дўстим эса ёзмаса туролмайди. Ёзганда ҳам қотириб ташлайди, қойил қилади. Энг ўткир, энг долзарб мавзуларда қалам тебратади.

— Биласизми, — дейди шу газетада узоқ йиллар мобайнида меҳнат қилиб келаётган фахрий қаламкашлардан бири Нелли Яковенко, — Аъло Махсумовичнинг нашримизга раҳбар эканлиги бизнинг бахтимиз. Ўзи ҳам тинчимайди, бизга ҳам тинчлик бермайди. Теша тегмаган мавзуларни топиб бераверади, бамисоли қайнар булоқ. Газетанинг эларо обрўси кўп жиҳатдан бош муҳарриримиз ижодий изланишлари туфайли, деб биламан.

Йилнинг бошларида бўлиб ўтган йиғилишларнинг бирида "Ташкентская правда" энг ўқишли газеталардан бири эканлиги айтиб ўтилди. Шу ўринда, мавриди келиб қолди, бир мулоҳазани айтсам, ортиқча бўлмас. Бизнинг ижодий гуруҳларимизда Аълохон меҳнати ҳали лозим даражада ўз баҳосини олмагандек бўлиб кўриняпти менга негадир. Майли, эзгуликнинг кечи йўқ дейдилар. Гар саломатликни берса муддао кам-кам бўлур.

Мендан энг журъатли муҳаррир ким деб сўрасалар номлари санаб ўтилганлар қаторида Аълохон исмини ҳам қўшган бўлардим.

Қаранг, дўстим 60 ёшга тўлибди. Ҳаракатлари чаққон, фикр доираси кенглигига, мушоҳадасига кишининг ҳаваси келади. Бир қарасанг шоирга ўхшайди, бир қарасанг файласуфлардек мушоҳада юритади. Худди ёшлардек хаёл суради, унда романтик ҳолат тахи бузилмагандек турибди. Ҳали ҳам юрак қўри, эҳтироси зўр. Ҳали ҳам нимаси биландир бошқалардан ажралиб туришга интилади. Ҳаммадек бўлишни истамайди.

Умрингиз узоқ бўлсин, ижодингиз булоқ бўлсин, дўстим! Бундан кейин ҳам худди шу ҳолатда қолаверинг, ўзгарманг. Шоир иним қуйидаги сатрларни худди Аълохонга атаб битгандек:

Қалбида шижоат, қатъият, журъат,
Касбга фидойилик, битмас меҳр бор.
Халқ дардини ёзиб топади ҳурмат,
Унда баланд турар доим номус-ор.

Исмоил СУЛАЙМОНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

